

С.Ю.РажабоваНизомий номидаги ТДПУ доценти

БҮЛАЖАК ЛИБОС ДИЗАЙНИ ЎҚИТИВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА САМАРАЛИ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Ушбу мақолада дизайн соҳасида талабаларни ўқитишида энг самарали бўлган методларни танлаш ва ундан фойдаланиш методикаси ёритиб берилган.

Аннотации: В данной статье описана методика выбора и использования наиболее эффективных методов обучения студентов в области дизайна.

Annotation: This article describes a methodology for choosing and using the most effective methods of teaching students in the field of design.

Либос дизайнни ўқитишида талабаларга моданинг тарихий ва маданий жиҳатларини тушунтириш муҳимдир. Либоснинг замонга, ижтимоий ҳолатга, маданиятга ва эстетикага боғлиқ эканлиги аниқланиши керак. Бунинг учун, бир томондан, моданинг асосий тўпламларини (тўплам, линза, соялар, мато ва шунга ўхшашлар) тушунтириш ва уларнинг бир-бирига таъсирини кўрсатиш муҳимдир. Иккинчидан, моданинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини тушуниш муҳим, чунки ҳар бир либос дизайнни ижтимоий контекстига мос келиши керак.

Таълим жараёнида ва уни олиб боришининг самарадорлигини оширишида таълим шакли, тури, метод ва воситаларининг алоҳида—алоҳида аҳамияти мавжуд.

Касб таълимида амалий методлар энг самарали метод ҳисобланниб, бу метод талабалар онгига маълумотнинг 75 % и сақланиб қолиши билан аҳамиятлидир. Лекин, ўқув-материалларини талабалар томонидан мустақил ўрганиш, амалий машғулотларини мустақил бажариш методлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90 % билим ўзлаштирилади ва кўнишка ҳосил бўлади. Демак, талабаларни мустақил ўрганиш, изланиш, муаммоларни мустақил ечиш, амалий таъсирларига йўналтирилган фаол методларни қўллаш яхши самара беради. Ўқитиши жараёнида гуруҳдаги талабалар сони муҳим аҳамиятга эга. Агар гуруҳда талабалар кўпчилик бўлмаса, фаол методдан фойдаланиб, ўқитишини жадаллаштириш мумкин. Агар талабалар кўп бўлса, фаол методлардан фойдаланиш яхши натижа бермаслиги мумкин. Талабаларнинг ҳар бири билан ишлашнинг имкони бўлмайди.

Интерфаол таълим методларини танлашда таълим олувчиларнинг ўқув-билиш имкониятларини, яъни уларнинг ёши, тайёргарлик даражаси, ҳамда, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослигини ҳам инобатга олиш муҳим. Ўқув машғулотига тайёргарлик вақтида, таълим методини танлаётib, биз, албатта, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятини ҳисобга олишимиз лозим.

Фанга тегишли мавзуларининг ўқитиши кетма-кетлиги ва давомийлиги фаол метод танлашга таъсир кўрсатади.Faol методларнинг баъзилари талабаларни фаоллаштиришга қанча кўп вақт талаб қиласа, топшириқлар ёки амалий фаолиятлари бажарилишига ҳам шунча вақт талаб қиласи. Ўқув машғулотда вақт шунчалик чегараланган бўлиши

мумкинки, қўллашда кўп вақт талаб қиласиган фаол методдан фойдаланиши имконини бермайди.

Баъзи фаол методларни қўллашда алоҳида шароитлар талаб қилинмайди, аммо маҳсус ўкув-моддий шароитлар талаб қиласиган фаол методлардан фойдаланмоқчи бўлсан, у ҳолда дидактик таъминотни амалга оширишимиз лозим.

“Buddying”(Атилье) методида эса талабалар томонидан турли вазифаларни бажарувчи мутахассислар (рассом, дизайнер, конструктор, технолог) ролларига тақсимланиб ателье мухити ҳосил қилинади, яъни талабалар ролли фаолиятни бажарадилар. Бу орқали уларни келгуси меҳнат фаолиятига тайёрлаш, ўзларини ишлаб чиқариш мухитида тасаввур қилиш ва бунинг натижасида улар реал ҳолатни акс эттиради. Бу эса талабаларни тезроқ ўзларини касб эгаси сифатида кўришлари ва касбга бўлган қизиқларини, шу билан бирга фаолиятда учрайдиган қийинчилик ва муаммоли вазиятларга тайёр бўлиб боради. Бу методларнинг барчаси амалий фаолиятга йўналтирилган бўлиб, талабаларда ижодий яратувчанлик, конструкторлик ва технологик компетенцияларини ривожлантиради.

“team creative collections” (Криатив коллекция яратамиз) методи “Тикув буюмларини конструкциялаш” фанида қўлланилади. Ушбу метод жамоавий ишлашга мўлжалланган бўлиб, гурухдаги барча талабалар ҳамкорликда яъни уларга ўқитилган бўлим бўйича коллекция яратиш топшириғи берилади. Гурухли тарзда ҳамкорликда либос эскизлари чизилади ва энг қреатив (ноанъанавий) деб топилган эскизлар устида иш олиб борилади. Талабалар ўзлари ўзаро келишган ҳолатда либос эскизларини танлаб олиб, тайёр либос ҳолатига келтиради. Иш ниҳоясига етганда гурух талабалари томонидан кўргазма уюштирилади ва намойиш кўрсатилади. Бу методнинг афзалликлари талабаларни ҳамкорликда ишлаш, либос яратишдек ижодий фаолиятни ўзаро фикр алмашиб орқали қреатив ғояларнинг яралиши намаён бўлади. Талабаларда дизайн соҳасига янада қизиқиш ортиб, тайёр коллекцияни турли кўрик танлов ва ҳафталикларда намойиш этиш орқали ўзларини меҳнат бозорида танитиш имкони юзага келади.

Хорижий давлатларда дизайн таълимини амалга оширишда фикрлаш жараёнини фаоллаштириш, янги ғояларни, янги либос дизайнини излаб топишга ундовчи эвристик методлар кенг қўлланилади.

Кийимни яратишда янги ёндашув ёки янги нуқтаи назарлардан бири бу инверсия методи ҳисобланади. Янги вазифани излаб ёки ўйлаб топиш жуда қийин. Кўпроқ янги ечимларни излаш методларини топиш мумкин. Агар бирон-бир объект одатда ташқаридан кўриб чиқилса, инверсия методида ичкаридан текшириш зарур ҳисобланади. Мисол учун, агар кийим детали (масалан, чўнтак) ҳар доим горизонтал жойлаштирилган бўлса, инверсия методида, бу детални вертикал ҳолатда қўйиш ёки бурчак остида жойлаштириш мумкин бўлади. Ағдариш, тескарисини ўгириш, жойларини ўзгартириш - бу ғоялар инверсия методи моҳиятини тавсифлайди.

Инсоний муносабатлар соҳасида қўпинча эмпатия методидан фойдаланилади. Эмпатия инсондан маълум бир образга киришни талаб қиласи. Машқ килиш орқали ушбу методни қўллаш қўпчилик одамлар учун самарали бўлиши мумкин. Аналогия ва эмпатия методлари якка ҳолда ёки гурухда, масалан, мусобақаларда либослар тўпламини намойиш этиш учун яратишда фойдалидир.

Фантазия методи дизайн маҳсулотини яратишида янги ғояларни пайдо бўлишига олиб келади ва аниқ бўлмаган буюмлар ёки жараёнларда фойдаланилувчи фантастик фикр юритиши билан якунланади. “Фантазия – бу ўтмишни қайта ишлаш асосида янги образлар яратишдан иборат рухий жараён” [1, 17c].

Кийим яратувчи кишилар учун фантазия жуда муҳим аҳамиятга эга. Янги, мавжуд бўлмаган моделни яратиш учун ривожланган, бой фантазия зарур. Фантазияси ривожланмаган инсон учун ҳар қандай кийим эскизини яратиш қийин ва иложсиз ҳолат ҳисобланади. Ижодий фикр (образ-ғоя) кузатиш натижаси ва уни баҳолашда пайдо бўлади. Дизайн предметини яратишдан олдин қўйидаги саволларни ҳал қилиш зарур:

Фоянинг моҳияти нима ва у нимани англатади?

Ким учун мўлжалланган?

Мақсади нима?

Буюм ўз вазифасини бажариши учун қандай шаклга келтириш керак?

Фояни шаклда намоён қилиш учун қандай композицион қарорлар (ҳажми, ранги, фактураси)ни қўллаш керак, унинг конструкцияси қандай?

Қандай материаллар ва воситаларни қўллаш керак?

Атроф-муҳит билан стилистик боғлиқми?

Маҳсулот ўзгарувчан инсон эҳтиёжларини қондирадими?

Тақдим этилган маҳсулот иқтисодийми, рентабелими?

Янги нималар таклиф қилинади?

Эскизлашда қўйилган муаммони янги комбинациялар методидан фойдаланиб, муаммонинг икки ёки ундан кўп муҳим йўналишлари аниқланади. Кейин, ҳар бир йўналиш учун ғоялар таклиф қилинади ва уларни амалга ошириш йўлларининг бир неча усувлари тузилади. Бу ҳолда ижодий ечимлар кўпинча нарсалар, жараёнлар ёки ғояларни янги комбинацияларини яратиш усули орқали топилади. Масштабдаги кийим модели эскизи “тасаввур майдони”да ўз аҳамиятига эга. Бу “майдон” буюм шаклига кичик ўзгаришлар қилинганда, бутун бир маҳсулот шаклини ўзгаририб юбориш имконини беради. Шундай қилиб, эскизни буюмни ташкил қилувчи детал ва узеллар кўринишини осон ўзгаририш модели сифатида кўриб чиқиш мумкин. Масштаб эскизи кўплаб эскизлардан керакли варианти танлаб олишда вақт сарфини қисқартиради. Эскиз барча “излаш майдони”га эътиборсизлик қилиб, ўз диққатини мақбул ечимлар кутиш мумкин бўлган кичик қисмларга диққат қаратишига ёрдам беради.

Дизайн-таҳлилиниң мақсади-бу маҳсулотнинг нима учун шундай эканлигини, унинг ишлари асосида қандай тамойиллар мавжудлигини тушунишdir. Талабалар маҳсулотни таҳлил қиласидилар ёки бир неча ўхшаш маҳсулотларни солиширадилар, ва бу шакл, материал, ишлаб чиқариш усули, фойдаланиш учун кўрсатмалар нима учун танланганлигини тушунишга ҳаракат қиласидилар. Дизайн-таҳлил кийим моделларини

ишлаб чиқиш ва тайёrlашнинг ижтимоий ва иқтисодий асосларини кўриб чиқиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Озерова Т.В. Формирование конструкторско-технологической компетенции будущего педагога профессионального обучения: Автореф. Дис. ... канд. пед. наук. - Екатеринбург.: 2007. - 17 с

2. Ражабова С.Ю. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг устувор компонентлари. // Узлуксиз таълим. – Тошкент. 2018.- № 4. – Б.90-94